

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ

ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019. Tib.29.01

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КОДИРОВА ЗЕБИНИСО НУРИДУЛЛАЕВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИНИНГ
ТАКРОРИЙ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ
ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01-Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Кодирова Зебинисо Нуридуллаевна

Репродуктив ёшдаги аёллар жинсий аъзоларининг такрорий яллиғланиш касалликларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш.....3

Кодирова Зебинисо Нуридуллаевна

Совершенствование диагностики и лечения рецидивирующих воспалительных заболеваний гинеталий у женщин репродуктивного возраста.....25

Kodirova Zebiniso Nuridullaevna

Improving the diagnosis and treatment of recurrent inflammatory diseases of the lower genitalia in women of reproductive age.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3107 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нажмутдинова Дилбар Камариддиновна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ниязметов Рахматулла Эрматович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гинекологик амалиётнинг ҳозирги босқичида турли ёшдаги аёлларнинг мутахассисларга мурожат қилишининг энг кенг тарқалган сабабларидан бири бу, жинсий аъзолардан патологик ажралма синдромининг кўпайиш ҳолатидир. Жинсий аъзолардан патологик ажралма келиши, яллиғланиш касалликларининг 40-70% ни ташкил қилади. Ҳар бир аёл ҳаёти давомида бир маротаба бўлса ҳам, бактериал-вагиноз ва вагинит билан касалланади, шундан 40-50% ҳолатларда касаллик сурункали тус олади, 5% ҳолатларда касалликнинг такрорланиши(қайталаниши) кузатилади (Ma D, Chen T 2019). Тиббиёт ва фармацевтика саноатининг ривожланишидаги сезиларли ютуқларга қарамай, бугунги кунда қиннинг юқумли ва яллиғланиш касалликлари аёллар жинсий аъзоларининг барча касалликларининг 70 % ни ташкил қилади ва репродуктив ёшдаги аёллар шифокорларга ташриф буюришининг энг кенг тарқалган сабаби бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда жинсий аъзоларнинг юқумли касалликлари сифатида қуйидагилар ҳисобланади: бактериал вагиноз, аэроб вагинит, трихомониаз ва цервицит. 1994 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда бактериал вагиноз патологияси алоҳида нозологик шакли сифатида ажратилган бўлиб, у аёлларнинг жинсий аъзолар тракти касалланишининг 25-60 % ни ташкил қилади. БВ трихомониаз, кандидоз, вирусли ЖЙОЮК билан бир қаторда, бошқа юқумли касалликлардан фарқли ўлароқ, бу дисбиотик ҳолат бўлиб, унинг асосий элементи *Gardrenella vaginalis* ва факультатив анаэроб граммусбат таёқчалар ҳисобланади. Ушбу патологияда юзага келадиган лактобациллалар билан заҳарланишнинг йўқолиши ЖЙОЮК, ОИВ инфекцияси ва ИПВ ривожланишига ҳисса қўшадиган полимикроб ҳолатга олиб келади. Қиндан патологик ажралма келиши ва кольпит ривожланиши билан боғлиқ ва унинг клиник кўринишлари нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммолар тоифасига киритилади, чунки бу репродуктив ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёлларнинг ҳаёт сифати пасайиб боришига сабаб блади (Schwebke J, Bohbot JM, 2020). Касалликнинг частотаси, доимий тадқиқотлар ва патоген микрофлорага қарши курашиш учун мўлжалланган дориларнинг кўплигига қарамай, бактериал вагиноз ва вагинитнинг қайталаниш даражаси жуда юқори. Қайталанадиган бактериал вагинозни бошқариш тактикаси кўп жиҳатдан ноаниқ бўлиб, мутахассиснинг шахсий ихтиёрида қолмоқда (Пустотин О. А., 2021). Шу билан бирга, тугалланмаган даволаш дориларга қаршилик пайдо бўлиш хавфини, касалликнинг тез-тез қайталаниш ва асоратлар ривожланиш эҳтимолини оширади.

Жаҳонда кўпгина аёллар бактериал вагиноз паталогиясидан азият чекишади, бактериал-вагиноз дисбиоз ҳолат бўлиб, кўпинча клиник жиҳатдан яққол кўринишга эга бўлмаса-да, гинекологик амалиётда у гистеректомия, аборт ва бачадон ичи диагностик аралашувлардан сўнг юқумли

асоратларларга сабаб бўлади, шунингдек, ЖЙОЮКга, айниқса ОИВ, одам папиллома вируси ва генитал герпесга бўлган мойиллик ошишига замин яратади (Balkus J.E., Lensing S 2020). Қин ва бачадон бўйни инфекцион яллиғланиши ҳомиладорлик даврида айниқса катта муаммога айланади, антенатал даври, тўғруқ ва тўғруқдан кейинги даврда турли хил асоратлар ривожланишига олиб келади. Улар ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши, ҳомила олди сувининг муддатдан олдин кетиши, хорионамнионит ва плацентитнинг сони кўпайишига, ҳомила ичидаги инфекция таъсирида муддатдан олдин тўғруқ бўлишига олиб келади (Аюпова Ф.М..2019). Шу билан бирга, БВ бўлган аёлларда эрта тўғиш хавфи 2,6-3,8 баробар кўпаяди, БВ касаллиги мавжуд бўлган ва тўғадиган аёлларда йирингли-яллиғланиш асоратлари 3-5 баробар кўпроқ учрайди (Каттаходжаева М.Х., 2022). Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, патологик қин ажралма синдроми йилига 4 маротабадан 10 маротабагача қайталанганда, муаммо нафақат тиббий, балки ижтимоий йўналишга ҳам эга бўлиб, энг функционал фаол ёшдаги аёлларнинг елкасига жиддий иқтисодий юк тушади. Дори-дармонларнинг бутун арсенали, ўз-ўзини даволаш ҳолатларининг тарқалиши, ЖЙОЮК ва бошқа омилларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий нуқтаи назардан, қин ва бачадон бўйни касалликларининг замонавий тузилишига катта қизиқиш уйғотади, бу патологик қин ажралмаларининг сурункақайталанувчи синдромига олиб келади. Ҳозирги кунга қадар жараён сурункали тус олишига сабаб бўладиган омиллар, қин ва бачадон бўйни юқумли патологиясининг турли шакллари ташхислаш ва дифференциал диагностикаси масалалари ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаганлиги. Қиннинг юқумли ва яллиғланиш касалликларида юзага келадиган бактериал плёнкаларга қарши курашишнинг патогенетик жиҳатдан асосланган усулларини ишлаб чиқиш, жинсий органларнинг микроэкологияси ўзгаришига умумий ва маҳаллий иммунитетни такомиллаштириш йўллари излаш ва сурункали, шу билан бирга қайталанувчи патологиянинг олдини олиш алоҳида аҳамиятга эга. Инновацион технологияларни патогенетик асослаш ва қўллаш, уларни тиббиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида юқумли-яллиғланиш жараёнларини сурункали босқичга ўтишини олдини олиш мақсадида уларни тиббий амалиётга кенг жорий этиш долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-ноябрдаги ПҚ-5590-сонли ”Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва ҳажмини ошириш тўғрисида”ги ва 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-6110 “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлоқо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги ва 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-4891-сон ”Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда қиндан патологик ажралма синдромининг долзарблиги, муаммонинг тиббий-ижтимоий тус олганлиги, кўпгина аёллар ҳаёт сифатини ёмонлашувига олиб келиши, репродуктив фаолиятга жиддий таъсир кўрсатиши туфайли, қатор олимлар ўзларини илмий изланишларини айнан шу муаммоларнинг ечимини топишга бағишлаган. Шулар қаторида ЖССТ экспертлари ва чоп этилаётган ва янгиланиб бораётган электрон ресурслари (Глобальная стратегия сектора здравоохранения по инфекциям, передаваемым половым путем. 2016–2021. URL: <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/250268/WHO-RHR-16.09>), International Union against sexually transmitted infections (IUSTI) World Health Organisation (WHO) guideline on the management of vaginal discharge. Int J STD AIDS. 2018;29(13):1258–1272. DOI: 10.1177/0956462418785451, Европа давлатларнинг нуфузли акушерлик ва гинекология марказларининг тавсиялари (Guidelines from the French College of Gynaecologists and Obstetricians (CNGOF). Eur J Obstet Gynecol Reprod Biol. 2018 May; 224:93-101. doi: 10.1016/j.ejogrb.2018.03.011. Epub 2018 Mar 9. PMID: 29571124), European (IUSTI/WHO) International Union against sexually transmitted infections (IUSTI) World Health Organisation (WHO) guideline on the management of vaginal discharge каби нуфузли марказлари журнал ва клиник протоколларида етакчи олимларнинг тадқиқотлари ўз аксини топган.

МДХ, олимлари ҳам бу муаммонинг ечимини топишга ўз ҳиссаларини қўшишган ва яна янги тадқиқотлар устида иш олиб бормоқда: такрорланувчи БВ ва вагинит репродуктив ёшдаги аёллар орасида энг кўп учрайдигин патологияга турига киради 65-70% гача ва кўп ҳолларда юқори жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари (эндометриоз, сальпингоофарит...) каби асоратлар беради (Нурланова Г.К. 2014).

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам, бу борада кўплаб илмий ишлар ва изланишлар олиб борилган. (Ф.М. Аюпова, Ф.Б. Миродилова., 2018; Каттаходжаева М.Х., 2021-2022; Нажмутдинова Д.К., 2022й; Пахомова Ж.Е., Рузиева Н.Х., 2023). Олимлар томонидан аёллар жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликларининг этиологияси ва патогенезини ўрганиш, ташхислаш ва замонавий даволаш усулларини тадбиқ этишга кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. Аммо шунга қарамай, касалликнинг сурункали шаклларининг ривожланиши ва қайталанишининг олдини олиш мақсадида даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида юқори хавф гуруҳларни шакллантиришга, жараённинг сурункали даражага кўтарилиши ва қайталанишини олдини олиш мезонлари ва усуллари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Аёлларнинг репродуктив фаолиятига катта зарар етказадиган, ҳомиладорлик ва тўғиш жараёнига салбий таъсир

кўрсатадиган, она, шунингдек ҳомила ва янги тўғилган чақалоқда салбий асоратларни келтириб чиқарадиган жинсий аъзоларнинг сурункали юқумли ва яллиғланиш касалликларини шаклланишининг асосий омиллари ва патогенетик механизмларини ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

Маҳаллий илмий, яқин ва узоқ хорижий манбаларни таҳлил маълумотларига асосланаган ҳолда, БВнинг юқори даражада учраш частотаси, этиологик омилларнинг хилма-хиллиги, кўпинча аралаш турдаги инфекция туфайли ривожланиши, ташхис қўйиш ва дифференциал диагностиканинг мураккаблиги туфайли қин ва бачадон бўйни юқумли касалликлари муаммосининг ўта долзарблигини кўрсатади. Шу боис БВ ва вагинитнинг сурункали, узоқ муддатли шакллари айниқса қин ва бачадон бўйни яллиғланиш касалликларида ҳосил бўлган бактериал пленкаларга қарши курашиш, касалликни сурункали формага ўтишини олдини олишга қаратилган даво чораларини ишлаб чиқиш долзарблигини намоён этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация ишини бажариш Тошкент давлат стоматология институтининг “Акушерлик ва гинекология” кафедрасида 2023-2025 йиллардаги “Инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда организмнинг патологиядан олдинги ва патологик ҳолатларини эрта аниқлаш ва ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот ишлари режаси ва мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёлларда қин ва бачадон бўйни такрорий яллиғланиш касалликларини башорат қилиш, олдини олиш, эрта ташхислашни такомиллаштириш ва касаллик қайталанишига қарши инновацион даволаш усулларида фойдаланишнинг клиник ва патогенетик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ретроспектив тадқиқотлар асосида қин ва бачадон бўйни яллиғланиш касалликларининг қайталаниш частотаси ва клиник хусусиятларини аниқлаш; фемофлор 16 ПЗР усулида жинсий аъзоларнинг пастки қисмида сурункали қайталанувчи яллиғланиш касалликларида қин микрофлорасининг хусусиятларини баҳолаш;

жинсий аъзолар пастки қисмидаги қайталанувчи яллиғланиш касалликларида маҳаллий иммунитет ҳолатини баҳолаш;

қайталанувчи патологик қин ажралма синдромига дучор бўлган беморларнинг такомиллаштирилган Ханин-Спилбергер сўровномаси асосида психо-эмоционал ҳолатини аниқлаш;

ультратовушли кавитация усули ёрдамида қайталанувчи кольпит ва цервицитларни комплекс даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2024 йиллар давомида 1-сонли врачлар касбий малакасининг ошириш маркази поликлиникаси ва гинекология бўлимига ҳамда Республика ихтисослаштирилган дермато-

венерология ва косметология илмий-амалий марказининг 2-бўлимида даволанган 511 нафар аёлнинг тиббий ҳужжатлари (ретроспектив гуруҳ) ва 174 нафар репродуктив ёшдаги қин ва бачадон бўйни такрорланувчи яллиғланиш касаллиги бўлган аёллар (проспектив гуруҳ).

Тадқиқот предмети бачадон бўйни ва қиннинг такрорланувчи яллиғланиш касалликларига дучор бўлган аёлларнинг умумий клиник, биокмеий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинган периферик қон, вагинал ва цервикал қин ажралмаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, гинекологик, лаборатор (бактериоскопик, бактериологик, ЖЙОЮКнинг ИФТ ва Фемофлор 16), функционал, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қин ва бачадон бўйни қайталанувчи яллиғланиш касалликларининг учраш частотаси гинекологик патологияларининг 36,4%ни ташкил этиши, улар таркибида 41,9% бактериал вагиноз, 23,6% генитал кандидоз ва 28,7% да БВ ва вагинитнинг биргаликда намоён бўлиши, асосий клиник белгилардан қиндан кўп миқдорда ҳидли ажралмалар келиши, 76% ачишиш, 54% жинсий алоқа вақтида оғриқлар билан кечиши исботланган;

такрорланувчи БВ ва вагинитли беморларнинг 94%да қин микрофлораси микробиоценозининг бузилиши, 31,1%да шартли анаэроб дисбиоз, 43%да анаэроб дисбиоз ва 20% да аралаш дисбиоз турларида кечиши аниқланган, 80% аёлларда шартли патоген микрофлоранинг (пептококклар, стафилококк, гемолитик ва яшил стрептококклар, гарднерелла, коринебактериялар) ошиб бориши, лакта ва бифидобактериялар миқдорининг камайиши ҳисобига қин шиллик қавати юзасида 48%да антибактериал давога чидамли бактериал плёнкалар ҳосил бўлиши исботланган;

такрорланувчи БВ ва вагинитли беморларда яллиғланиш, вагинал дисбиоз билан биргаликда кечишида IFN γ (8,9%), TNF α (8,6%), IL-1 β (24,6%), IL-8 (16,4%), IL-17A (8,3%) даражасининг пасайиши ва IL-10 нинг (14,6%) кўтарилиши маҳаллий иммунитет фаолиятининг бузилиши, ҳужайравий, фагоцитар иммун жавобнинг пасайиши касалликнинг сурункали кечиши ва патологик қин ажралмалари синдромининг ривожланиши билан исботланган;

патологик қин ажралмалари синдроми бўлган беморлар аёлларнинг ҳаёт сифати ва психо-эмоционал ҳолатини Ханин-Спилбергернинг такомиллаштирилган сўровномаси асосида баҳолаш натижасида аёлларнинг 40%да ҳаёт сифатидан қоникмаслик ва 31-45 балл даражасида хавотирлик ҳолатининг ривожланиши, ананавий даволашдан сўнг 12,8% аёлларда қин ажралмалари синдроми курсаткичларининг сақланиб қолиши билан исботланаган;

такрорланувчи БВ ва вагинитли беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган уч босқичли комплекс антибактериал, дисбиозга қарши суппозиторлари ва ультратовушли кавитация даво усулини қўллаш клиник

кўрсаткичларнинг 62% камайиши, қин шиллиқ қаватлари микробиологик мухитининг 95%, иммунологик кўрсаткичларнинг ($p < 0,01$) меъёр кўрсаткичлари даражадасигача тикланиши ва рецидивлар сонининг 92% қисқариши билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини учун қин ва бачадон бўйни сурункали юқумли ва яллиғланиш касалликларининг ривожланиш хавфини эрта аниқлаш шкаласи ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, ундан мутахассислар (оилавий шифокорлар, гинекологлар ва дермато-венерологлар) кейинги шахсий текширув ва даволаниш учун юқори даражада хавф гуруҳларини тузиш ва амалиётга жорий этиш асосланган;

микробиологик ва иммунологик тадқиқотлар ёрдамида ультратовушли кавитация усулидан фойдаланишнинг юқори самарадорлиги ўрганилган, бу эса қин микроэкологиясини нормаллаштиришга ва БВ ва вагинитнинг қайталанишини олдини олиши асосланган;

узоқ муддатли ижобий таъсирни максимал даражада оширишга имкон берадиган кавитацион эритмалардан фойдаланган ҳолда уч босқичли даволаш комплекси ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш асосланган;

такрорланувчи патологик қин ажралмаси синдромидан азият чекаётган беморлар орасида такомиллаштирилган Ханин - Спиллбергер тести ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган бўлиб, бу беморларнинг психо-эмоционал ҳолатини, ҳаёт сифатини ва даволашга бўлган муносабатини баҳолашга имкон беради ва унинг натижалари эса даволашда шахсийлаштирилган ёндашувни амалга оширишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўлланилган замонавий лаборатор текширувлар, алгоритм ва услубиятлар, назарий маълумотларнинг, тадқиқ қилинган шахсларнинг мақбул сони, бир-бирини тўлдирувчи, ахборий, клиник, инструментал, шунингдек статистик тадқиқот усулларининг мувофиқлигига ҳамда натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланиши халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти БВ ва вагинитнинг сурункали такрорланиш шаклланишининг патогенетик механизмлари ҳақидаги ғояларнинг такомиллаштирилиши ва кенгайтирилиши билан белгиланиб, ушбу жараёнларнинг асосида анъанавий даволашдан сўнг қин ва бачадон бўйни микроэкологияси бузилишларининг тўлиқ тикланиши йўқлиги билан изоҳланади.

Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида БВ ва вагинит сурункали касалликка айланиши учун хавф омилларининг башоратли шкаласи ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, бу биринчи навбатда скрининг текшируви ва

шахсийлаштирилган даволаниш белгиланган хавф гуруҳларини шакллантириш билан изоҳланади;

кавитациялаштирилган эритмалар, мураккаб таркибга эга вагинал супозиториялар ва пробиотиклар ёрдамида ишлаб чиқилган уч босқичли комплекс даволашнинг юқори самарадорлиги ва барқарорлиги билан изоҳланади;

ультратовушли кавитация усули ёрдамида БВ ва вагинитни илмий асосланган комплекс даволашни жорий этиш, даволанишнинг қисқа ва узоқ муддатли натижаларини сезиларли даражада самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Репродуктив ёшидаги аёлларда жинсий аъзоларининг такрорланувчи яллиғланиш касалликларининг клиник, лаборатор ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: қин ва бачадон бўйни қайталанувчи яллиғланиш касалликларининг учраш частотаси гинекологик патологияларининг 36,4%ни ташкил этиши, улар таркибида 41,9% бактериал вагиноз, 23,6% генитал кандидоз ва 28,7% да БВ ва вагинитнинг биргаликда намоён бўлиши, асосий клиник белгилардан қиндан кўп миқдорда ҳидли ажралмалар келиши, 76% ачишиш, 54% жинсий алоқа вақтида оғриқлар билан кечиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали бўйича 09.08.2024 йилдаги 118-сонли буйруқ, Яшнобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиника гинекология бўлимида 20.08.2024 йилдаги 1446-14-203-ТВ\2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/89-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** Касаллик узоқ кечиши хавфи юқори бўлган аёлларни (3 йилдан ортиқ) ишлаб чиқилган хавф омилларининг балли шкала орқали ўз вақтида аниқлаш ва патогенетик асосланган шахсийлаштирилган комплекс даволаш, менструал ва репродуктив функцияларнинг асоратларини минималлаштиришга ва ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини оширади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** қин ва бачадон бўйни яллиғланиш касалликларини сурункали кечиши ва қайталаниши хавфи юқори бўлган гуруҳларни аниқлаш, шакллантиришни амалга ошириш ва патогенетик асосланган ҳаражатларини ва даволаниш вақтини қисқартириб, ташхислаш ва даволашга бўлган янгича ёндашувни жорий этиш натижасида ҳаражатлар 1650000 сўмни ташкил этган, қайталанишлар (йилига 3-4 мартадан ортиқ) ва такрорий даволаш курсларида бу ҳаражатлар 6600000 сўмни ташкил этган ва 115 бемор учун 189750000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** БВ ва вагинитнинг қайталаниши, узоқ давом этиши, юқори хавф гуруҳларини шакллантириш учун касалликни аниқлаш ва сўровномалардан фойдаланиш ҳар бир бемор учун бюджет маблағларидан 1720000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: такрорланувчи БВ ва вагинитли беморларнинг 94%да қин микрофлораси микробиоценозининг бузилиши, 31,1%да шартли анаэроб дисбиоз, 43%да анаэроб дисбиоз ва 20% да аралаш дисбиоз турларида кечиши аниқланган, 80% аёлларда шартли патоген микрофлоранинг (пептококклар, стафилококк, гемолитик ва яшил стрептококклар, гарднерелла, коринебактериялар) ошиб бориши, лакта ва бифидобактериялар миқдорининг камайиши ҳисобига қин шиллик қавати юзасида 48%да антибактериал давога чидамли бактериал плёнкалар ҳосил бўлиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали бўйича 09.08.2024 йилдаги 118-сонли буйруқ, Яшнобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиника гинекология бўлимида 20.08.2024 йилдаги 1446-14-203-ТВ\2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/89-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** бактериал плёнкаларнинг турғунлигига ҳисса қўшадиган қин дисбиозини ўз вақтида аниқлаш, патогенетик асосланган даволанишни амалга оширишга ва касалликнинг такрорий кечишини олдини олишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** фемофлор 16 ПЗР усулини жорий этиш БВ ва вагинитнинг такрорланувчи шакллари юзага келишининг олдини олишда текширув харажатлари 115 нафар бемор учун 59800000 сўмни ташкил этган, кеч ташхис қўйиш даволашда қўшимча харажатлар 209300000 сўмни ташкил қилиб, янги ташхислаш усулини жорий этиш натижасида харажатларни 14900000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда қин касалликларини ўз вақтида ва тўғри ташхислаш натижасида 1 нафар бемор аёлга 1300000 сўм миқдоридаги харажатларни иқтисод қилиш имконини берган:

учинчи илмий янгилик: такрорланувчи БВ ва вагинитли беморларда яллиғланиш, вагинал дисбиоз билан биргаликда кечишида IFN γ (8,9%), TNF α (8,6%), IL-1 β (24,6%), IL-8 (16,4%), IL-17A (8,3%) даражасининг пасайиши ва IL-10 нинг (14,6%) кўтарилиши маҳаллий иммунитет фаолиятининг бузилиши, хужайравий, фагоцитар иммун жавобнинг пасайиши касалликнинг сурункали кечиши ва патологик қин ажралмалари синдромининг ривожланиши билан исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали бўйича 09.08.2024 йилдаги 118-сонли буйруқ, Яшнобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиника гинекология бўлимида 20.08.2024 йилдаги 1446-14-203-ТВ\2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/89-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** кольпит ва цервицитларда маҳаллий иммунитет ҳолатининг хусусиятларини аниқлаш, ўз навбатида микрофлоранинг турғунлигига ҳисса қўшиши ва касалликнинг қайта ривожланишига имкон яратади, номутаносиблик

ҳолатларини даволаш касалликларнинг такрорланишни бартараф қилиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ташқи жинсий аъзоларнинг юқумли ва яллиғланиш касалликларида маҳаллий иммунитет номутаносиблик ҳолатларини аниқлаш усулларини қўллаш 115 нафар бемор учун 569250000 сўм тежашга имкон берган. **Хулоса:** репродуктив ёшдаги аёлларда ташқи жинсий аъзоларнинг такрорланувчи яллиғланиш касалликларида маҳаллий иммун тизимининг фаолияти аниқлаш усулларини қўллаш яллиғланиш касалликларининг такрорланишини олдини олаган, бу эса ҳар бир беморга 720000 - 936000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: патологик қин ажралмалари синдроми бўлган беморлар аёлларнинг ҳаёт сифати ва психо-эмоционал ҳолатини Ханин-Спилбергернинг такомиллаштирилган сўровномаси асосида баҳолаш натижасида аёлларнинг 40%да ҳаёт сифатидан қониқмаслик ва 31-45 балл даражасида хавотирлик ҳолатининг ривожланиши, ананавий даволашдан сўнг 12,8% аёлларда қин ажралмалари синдроми курсаткичларининг сақланиб қолиши билан исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали бўйича 09.08.2024 йилдаги 118-сонли буйруқ, Яшнобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиника гинекология бўлимида 20.08.2024 йилдаги 1446-14-203-ТВ\2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/89-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** қин ажралмалари синдроми бўлган беморлар аёлларнинг ўрганиш асосида аниқланган патологик ўзгаришларни бартараф қилиниши беморларнинг турмуш тарзининг, ҳаёт сифатининг ва даволаш самарадорлигини ошишига имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ташқи жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларини даволашда комплекс ҳаёт сифати ва психо-эмоционал ҳолатини аниқлаш, даволаш комплексида уларни бартараф этиш, касалликнинг қайталанувчи шакллари камайишига ва даволаш самарадорлигини ошиши билан 115 нафар бемор учун 569250000 сўм тежашга имкон берган. **Хулоса:** комплекс даволаш ёрдамида БВ ва вагинитга чалинган аёлларни тўлиқ даволаш учун ҳар бири 1050000 сўм ўрнига 500000 сўмдан 800000 сўмгача маблағ сарфланган, қин ва бачадон бўйни такрорланувчи яллиғланиш касалликларига чалинган аёлларни даволашда ишлаб чиқилган комплекс ёндашув харажатларни камайтирди ва 1 бемор ҳисобидан 900000 сўмдан 1150000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: такрорланувчи БВ ва вагинитли беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган уч босқичли комплекс антибактериал, дисбиозга қарши суппозиторлари ва ультратовушли кавитация даво усулини қўллаш клиник кўрсаткичларнинг 62% камайиши, қин шиллиқ қаватлари микробиологик мухитининг 95%, иммунологик кўрсаткичларнинг ($p < 0,01$) меъёр кўрсаткичлари даражадасигача тикланиши ва рецидивлар сонининг 92% қисқариши билан исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали бўйича

09.08.2024 йилдаги 118-сонли буйруқ, Яшнобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиника гинекология бўлимида 20.08.2024 йилдаги 1446-14-203-ТВ\2024-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/89-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** даволашда ультратовушли кавитация усулидан фойдаланиш кин микробиомасидаги бактерияларни батамом йўқ қилиши натижасида, касалликнинг такрорланиши бартараф қилиниши, репродуктив ёшдаги аёлларда ижтимоий, социологик жиҳатдан ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** такрорланувчи БВ ва вагинитли аёлларда ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш усулидан фойдаланган ҳолда олиб бориш, касаллик такрорланишининг йилига 4-5 маротаба камайишига олиб келган, бу эса ўз навбатида 115 бемор учун 7682000000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** такрорланувчи БВ ва вагинитли репродуктив ёшдаги аёлларда ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш усуллари кўллаш 1 бемор учун 1780000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу илмий изланиш натижалари 3 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 1 та ҳалқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси буйича 16 та илмий иш чоп этилган, улардан: докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 8 та журнал мақолалари, шу жумладан 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган 215 нафар адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация фойдаланилган адабиётлар рўйхати бирга 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилади, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш очиқ берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси буйича маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Репродуктив ёшдаги аёллар жинсий аъзоларининг такрорий яллиғланиш касалликлари муаммосига замонавий қараш”** деб номланган биринчи бобида адабиёт шарҳи тақдим этилади. Диссертациянинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва репродуктив ёшдаги аёлларда жинсий аъзоларнинг такрорий яллиғланиш касалликлари муаммосига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган, мавжуд ташхислаш ва даволаш усуллари

афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлари белгиланган. Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот усуллари”** иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усуллари умуий тавсифи берилган.

Ушбу илмий тадқиқот Тошкент давлат стоматология институтининг “Акушерлик ва гинекология” кафедрасида олиб борилди. Тадқиқот икки босқичдан иборат эди. Ретроспектив тадқиқотлар тиббий ҳужжатларни таҳлил қилишни ўз ичига олган (амбулатория карталари ва касаллик тарихи).

Тиббиёт ходимларининг касб малакасини ошириш кўп тармоқли поликлиникасининг гинекология бўлими ва поликлиникаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий маркази поликлиникасига 2018-2020-йилларда қиндан патологик ажралма симптоми билан боғлиқ муаммолар билан муурожаат қилган беморлар киритилган. 1420 та амбулатор картаси ретроспектив тарзда таҳлил қилинди, уларнинг 511 тасида қин ва бачадон бўйни яллиғланиш касалликлари аниқланган. Шундай қилиб, БВ ва вагинит билан касалланганлар кўрсаткичи 36,4% ни ташкил этди. Ретроспектив таҳлилнинг мақсади БВ ва қиннинг юқумли касалликларининг частотаси ва структураси, кейинчалик ЖАСЯК (жинсий аъзоларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари) учун хавф гуруҳини аниқлаш учун жараённинг сурункали тус олишига ҳамроҳ бўлган омилларни ўрганиш эди. Иккинчи босқич проспектив тадқиқотларни ўз ичига олган. Проспектив тадқиқотларга 2021-2024 йиллар давомида юқорида санаб ўтилган клиникаларда кўриқдан ўтган ва даволанган 174 нафар бемор киритилди.

Амалга ошириш дизайни бўйича ушбу тадқиқот қуйидагича таснифланади: бир марказга эга, вазиятни назорат қилиш типидagi кузатув тадқиқоти. Кузатилган барча беморларнинг статистик карталари тузилди ва маълумотлар гуруҳларга бўлинди.

Истикболли гуруҳ беморлари 1,5 йилдан 2 йилгача бизнинг назоратимиз остида бўлди. Уларнинг текширувида умуий клиник, гинекологик, лаборатор (бактериоскопик, бактериологик, ИФТ ва ПЗР ЖЙЮЮК диагностикаси), функционал (ультратовуш, доплерометрия), махсус тадқиқот усуллари (Фемофлор16, маҳаллий иммунитет) ишлатилган. Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий маркази илмий лабораторияси негизида махсус тадқиқотлар олиб борилди. Асосий гуруҳнинг 115 нафар беморига ультратовушли кавитация ёрдамида комплекс муолажа амалга оширилди. Таққослаш гуруҳидаги беморлар (59 киши) республикада қабул қилинган даволаш стандартларига мувофиқ анъанавий даволаш усулидан фойдаландилар.

Истикболли гуруҳдаги беморларнинг умуий клиник хусусиятлари

Асосий тадқиқот гуруҳи сурункали қайталанувчи бактериал вагиноз (СҚБВ) ва сурункали қайталанувчи вагинит (СҚВ) билан касалланган 22 ёшдан 43 ёшгача бўлган 174 та бемордан иборат эди.



ви
кас

- БВ ёки вагинит (кольпит) ташхиси
- касалликнинг камида 1 йил давомида кечиши;
- йилига камида уч-тўрт марта қайталаниши

Чеклаш мезонлари:


- ЖЙОЮК мавжудлиги;
- ҳомиладорлик;
- тадқиқотдан олдинги олти ой давомида антибактериал препаратлардан фойдаланиш;
- оғир ёки ўткир шаклда соматик патология.

Асосий гуруҳ этиологик тамоилга кўра учта кичик гуруҳга бўлинган -
I кичик гуруҳ – қайталанувчи бактериал вагиноз (ҚБВ) касаллиги билан 73 нафар аёл (41,9%);

II кичик гуруҳ - қайталанувчи генитал кандидози (ҚГК) касаллиги билан 41 нафар бемор (23,6%);

III кичик гуруҳ - БВ билан бирга келадиган бактериал вагинит касаллигига чалинган 50 нафар аёл (28,7%).

Назорат гуруҳига клиникага профилактик кўриқдан ўтиш учун ташриф буюрган, жинсий аъзолар юқумли касалликларга эга бўлмаган, солиштирма ёшдаги 30 нафар аёл кўшилди. Касаллик ташхисини икки босқичли текширув орқали аниқланди. Текширув билан қамраб олинганларни ёш 22 дан 43 ёшгача бўлиб, асосий гуруҳнинг ўртача ёши $29,5 \pm 5,7$ ёшни ташкил этди. Асосий ва назорат гуруҳларида текширилганларнинг асосий контингентини уй бекалари ташкил этди (мос равишда 49,7 ва 51,3%). Сони бўйича иккинчи ўринда хизматчилар (мос равишда 31,8 ва 25,1%). Беморлар орасида ишчилар яъни касбларга эга бўлган аёллар ҳам бор эди, лекин камроқ даражада. Маълумки, ҳар қандай сурункали яллиғланиш касалликлари аёлларнинг умумий соматик ҳолати билан бевосита боғлиқ. COVID 19 пандемиясининг охирида ва пост-COVID даврида истиқболли тадқиқотлар олиб борилганлиги сабабли, текширилганлар орасида ўпка тизими касалликларининг частотаси қизиқиш уйғотди. 28,4% бронхлар ва ўпканинг яллиғланиш касалликлари билан оғриган, деярли 5% коронавирус инфекцияси туфайли пневмония билан касалланган. Сийдик чиқариш тизимининг юқумли касалликлари - уретрит, цистит ва 18 та ҳолатда сурункали пиелонефрит билан деярли бир ҳил даражада бўлган. Энг кўп учрайдиган эндокрин касаллик қалқонсимон безнинг патологияси (эутироидит, гиперплазия) бўлиб, текширилганларнинг 43 % да қузатилган, 12 нафар беморга 2-тоифа қандли диабет ташхиси қўйилган, 1 тасида компенсацияланган 1-тоифали қандли диабет аниқланган. Гепатобилиар тизим касалликлари ва тери касалликлари деярли бир ҳил частотада қайд этилган (мос равишда 17,4 21,6%). Шунини таъкидлаш керакки, беморларнинг деярли ҳар учдан бирида 2-3 соматик касалликларнинг комбинацияси мавжуд. Ҳар учинчи беморда диарея ва ич қотиши, метеоризм даврлари билан намоён бўлган ичак фаолиятида бузилишлар мавжудлиги аниқланди. Ҳомиладорлик паритети аёлнинг умумий ҳолатига кескин таъсир кўрсатиши барчага маълум. Асосий гуруҳдаги беморларнинг ҳомиладорлик ва тўғилиш паритетини ўрганиб чиқдик .



Расм 1. Ретроспектив гуруҳидаги беморларнинг ҳомиладорлик паритети

Умумий клиник тадқиқот усуллари: ҳаёт ва касаллик анамнези, стандарт лаборатория ва махсус тадқиқотлар натижалари, шу жумладан микробиологик, иммунологик ва статистик усуллари. Гинекологик текширув умумий қабул қилинган усуллар бўйича ўтказилди. Бачадон бўйни текширилганда унинг катталиги, шакли ва жинсий йўлдан ажралма табиати ҳисобга олинган. УТ текшируви, кўрсатмага биноан қин таҳлили бактериологик текширувлар ўтказилди. **Махсус тадқиқот усуллари.** Фемофлор 16 усули ёрдамида қин микробиоценозини ўрганиш. Инфекцияларнинг диагностикаси. Инфекцияларнинг ташхислаш ГВИ, ЦМВ, ЭБВ, хламидия, микоплазма, уреоплазма ва бошқа микроорганизмларни аниқлаш билан қин ва бачадон бўйни каналининг микробиоценози фермент билан боғлиқ иммунофермент таҳлил (ИФТ) усули билан амалга оширилди. Бундай ҳолда, "Фемофлор-16" ("ДАК-технологияси" АТБ, РФ) комплекси қўлланилди, бу 16 турдаги қин ва бачадон бўйни микробиомасининг сифат ва миқдорий таркибини аниқлашга имкон беради (14 та микроорганизм ва УБМ, *Lactobacterium spp*). Фемофлор-16 ташхислаш учун клиник аҳамиятга эга бўлган кенг доирадаги шартли-патоген микроорганизмларни ўлчашга ёрдам беради. Белгиланган: ЭКУ га тайёргарлик, операциялар, бачадон ичи спиралини ўрнатиш, гистероскопия. Шунингдек, доимий равишда такрорланадиган юқумли жараёнлар билан. Пробиркалардан бирида ПЗР ни кучайтириш ва назорат қилиш учун прототип ишлатилган. Биоматериаллар қиннинг орқа қисмидан, бачадон бўйни каналидан ва уретрадан махсус чўтка ёрдамида йиғилган. Биоматериал билан чўтканинг учи узилиб, махсус пробиркага солинган. Комплекс билан биргаликда аниқлаш учун ДТ-96 кучайтиргичи ишлатилган.

Такрорланувчи бактериял вагиноз ва вагинитда қиннинг **маҳаллий иммунитет** ҳолатини ўрганиш. Иммунологик тадқиқот усуллари иммунитет ҳолатининг асосий кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш усуллари билан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Қин ва бачадон бўйни биоптаталари стандарт процедураларга мувофиқ тегишли эҳтиёт чоралари билан тўпланган. Намуналар бир ҳафта давомида 2-8⁰ С ҳароратда сақланади. Биз қабул қилинган кўрсатмаларга мувофиқ ИФТ усулидан фойдаланган ҳолда ўрганилаётган аёлларнинг қин ажралмаларида IL-1b, IL-8, IL-10, IL-17A ва TNF α даражасини ўрганишни ўтказдик. Фойдаланилган реактивлар "Цитокин" МЧЖ, Санкт-Петербург юқори соф биологик препаратлар илмий тадқиқот институти ва "Вектор Бест", Новосибирск. **Касалланган аёлларнинг психо-эмоционал ҳолатини баҳолаш** учун модификацияланган Ханин-Спилбергер психологик тестидан фойдаланилди. Асосий ва солиштириш гуруҳидаги аёлларни даволашдан аввал ва кейинги 20 та саволларга жавоблари ўрганиб, умумийлаштирилди. **Статистик таҳлил усуллари.** Барча олинган натижалар вариацион таҳлил усуллари (ўртача арифметик, унинг стандарт хатосини аниқлаш, ўртача квадрат оғиши, қийматларнинг тақсимланишини баҳолаш), корреляция таҳлили (чизиқли ва чизиқли бўлмаган корреляция

коэффициентини аниқлаш), регрессия таҳлили қўлланилди. Ҳисоб-китоблар "Биостатистика" дастури ва "Microsoft Office Excel 2010" ёрдамида шахсий компютер ёрдамида амалга оширилди. **Ультратовушли кавитация усули ёрдамида комплекс даволаш.** Истикболли гуруҳдаги барча аёллар текширув ва даволаниш учун маълумот билан таъминланди ва уларнинг розилиги олинди. Асосий гуруҳга таклиф этилаётган комплекс усулда даволанган 115 аёл киритилди. **Ультратовушли кавитация.** «АКТИТОН А» ультратовушли кавитация аппарати (РФ, Екатеринбург) паст частотали ультратовушли тебранишлар натижасида ва доривор эритмаларни майда дисперсияли микро пуфакчалар шаклида тўқималарга антимикроб, иммуностимуляция, яллиғланишга қарши таъсирга ва микроциркуляцияни ошириш хусуситларига эга бўлиб, яллиғланишга чалинган тўқима билан алоқа қилганда ёрилиб, бактерияларни эритиб, бактериал плёнкаларни ажрашига ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, кавитацияланган антисептикларни (Миромистин, Метранидазол) антибактериал хусусиятларини бир неча бор ошириб юборади. Экспозиция 10-15 дақиқа бўлиб, кучи 50-70 частотали бўлиб, 5-6 процедура ўтказилган. Диссертациянинг **“Репродуктив ёшдаги аёллар жинсий аъзоларининг такрорий яллиғланиш касалликлари муаммосига замонавий қараш”** деб номланган учинчи бобида беморларнинг ёши ва ижтимоий ҳолати ретроспектив гуруҳга ўхшашлиги аниқланди. Клиникага мурожаат қилишда турли ҳил гинекологик касалликлар асосий ташхис сифатида аниқланди ва қиннинг юқумли касалликлари биргаликда келадиган патология сифатида қайд этилди. 51 нафар (10%) беморда гинекологларга мурожаат қилишнинг асосий сабаби патологик қин ажралмаси ва кольпит белгилари эди. Ёрдам сўраган беморларнинг анамнезини тўплашда беморларнинг 511 тасининг орасидан 158 тасида йилига камида 3-4 марта қин ажралма белгиларининг қайталаниши қайд этилди, бу эса 30,9% касалликнинг қайталаниш тезлигини ташкил этди. Мутахассисларга мурожат қилганларнинг 30,5% бачадон бўйнининг хавфсиз ва саратон олди касалликлари аниқланган. Қолган аёлларга гинекологик ташхис қўйилди, бу ҳар бир беморга 1,8 патологияни ташкил этди (2-расм). Беморларга қуйидаги касалликлар ташхиси қўйилган: сурункали эндометрит (9 %) ва бачадон кўшимчаларининг яллиғланиши (15%), эндометриянинг гиперпластик жараёнлари (15,0%), қин ва вулванинг ўткир учли кандиломалари (18,2%), бачадон миомаси (6,5%), эндометриоз (5,1%), бепуштлик (9%), эндометрия гиперплазияси ва бачадон бўйни полиплари (17,5%), бачадон бўйнининг фон ва саратон олди касалликлари (15%).



2-расм. Ретроспектив гуруҳда биргаликда юзага келувчи гинекологик касалликлар

Текширилган беморларнинг гинекологик касалликлари бўйича кузатув давомийлиги 64,8% ҳолларда 1 йилдан 3 йилгача, 23,0% да 3 йилдан 5 йилгача ва ундан кўпроқ вақтни ташкил этди. 79% беморларнинг гинекологик ёрдамга мурожаат қилиш даражаси йилига камида 1-2 марта бўлган. 137 нафар аёлларнинг анкеталарида (27%) мавжуд ҳайз даврининг бўзилиши ҳақида ёзувлар бўлган, улардан 29 нафари бачадондан аномал қон кетиши (БАҚК) турдаги ўзгариш, қолганларда алгодисменорея кўзатилган. БВси бор аёлларда ажралма интенсивлиги асосан кам ёки ўртача деб баҳоланади. БВ билан касалланган беморларнинг асосий шикоятлари ажралмаларнинг ёқимсиз ҳиди (84%) бўлиб, бу касалликнинг патогномоник аломатидир, ажралмаларнинг ёқимсиз ҳиди эса вақти-вақти билан фақат битта кандидоз касаллигидан азият чекаётган беморни безовта қилган.

1-жадвал

Касал (n=103) ва соғлом (n=30) аёлларда микроскопик ва микологик текширув натижалари

| Аломати | БК (n=53), % | БВ (n=32), % | БК+БВ (n=18),% | Назорат (n=30), % |
|---|-----------------|-----------------|-------------------|----------------------|
| Микроскопияда | | | | |
| «Асосий» хужайралар | 0 | 99 | 18 | 0 |
| Псевдомицелий+ «асосий» хужайралар | 0 | 0 | 17 | 0 |
| <i>Candida spp.</i> ривожланиши, КШБ/тампон | | | | |

| | | | | |
|----------------|-----|----|----|----|
| ривожланиш йўқ | 4 | 91 | 0 | 76 |
| <104 | 17 | 11 | 22 | 23 |
| > 104 | 80* | 0 | 0 | 0 |

Деярли ҳар учинчи беморда хламидия, ЦМВ, герпес вирус, микоплазма ва уреоплазма каби жинсий йўл билан юқадиган юқумли касалликлар аниқланган. Қин патологияси бўлган аёлларнинг умумий соматик ва репродуктив саломатлиги индекси тез-тез учрайдиган юқумли ва вирусли касалликлар (ҳар бир аёлга 2,9 касаллик, ҳайз кўриш бузилишининг юқори частотаси, шунингдек, кўп сонли тўғиш ва абортлар) туфайли паст бўлди. Шунингдек, фақат замбуруғлар ва анаэроб бактериялар - БВ патогенлари туфайли инфекциялар такрорланувчи хусусиятга эга эди. Нонспецифик бактериал биота асосан қайталанишга мойил бўлмаган сурункали бактериал вагинитнинг сабаби бўлган. Энг муҳим хавф омиллари 0 дан 2 баллгача бўлган тизим бўйича баҳоланади, бу эса балларни умумлаштиргандан сўнг 3 та хавф гуруҳини аниқлашга имкон берди. Аёлларнинг ёши, ёмон одатлари, ҳомиладорлик паритети, тўғиш ва уларнинг натижалари, соматик патологиянинг таъсири каби тиббий ва ижтимоий омиллар ҳисобга олинган. Шу билан бирга, 1 дан 30 гача бўлган баллар йиғиндисининг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, хавф даражаси бўйича градация қўлланилди. 1 дан 10 гача бўлган балларни баҳолашда хавф паст деб топилди. 10 дан 20 баллгача - ўртача хавф даражаси. 20 дан 30 гача бўлган баллар билан беморни юқори хавф гуруҳига киритиш лозим деб топилди.


